*Куч — адолатда*

# Адолат

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 йил 12 декабрь

№ 51 (442)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

***11 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлади.***

***Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.***





Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, чет давлатлар элчилари, дипломатик корпус, мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

— Мен бугун Олий Мажлисимиз сессияси кун тартибига киритилган муҳим бир масала, яъни ҳукуматимизнинг бошқарувида ўзгариш қилиш масаласи бўйича ўз фикрларимни билдириб, сиз, халқ ноиблари билан маслаҳатлашиб олмоқчиман. Ҳаммангиз яхши тушунасиз, яхши англайсиз, азиз дўстлар, биз қандай шиддатли, тез ўзгариб бораётган даврда яшамоқдамиз, — деди Президентимиз.

—Ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган қандай ўта мураккаб ва оғир муаммоларни ечишга тўғри келаяпти. Айни вақтда ана шу муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, эл-юртимизнинг эртанги кунини, фаровон ҳаётини таъминлаш вазифалари барчамиздан қандай ҳушёр ва сергак бўлишимизни, масъулиятимиз ва жавобгарлигимизни оширишни талаб қилади.

Бугун ким қаерда, қайси лавозимда ишламасин — қуйи, ўрта ва юқори — барча бўғинларда раҳбарлик лавозимида ўтирган шахслар ҳозирги замон олдимизга қўяётган бундай юксак талабларни ўз мисолида сезаяпти, кўраяпти.

Мамлакатимизда бугун барпо этилган, юқоридан пастгача бўлган ижро тизимини ягона ва яхлит бир система, деб қабул қилсак, бу тизимнинг энг юқори бошқарув поғонаси бўлмиш Ўзбекистон ҳукумати, унинг раҳбари ва аъзолари зиммасига қандай юксак масъулият юкланаётганини англаш қийин эмас.

Ҳеч шубҳасиз, эл-юртимиз, Ўзбекистонимиз кейинги йилларда нимаики натижа ва ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида ҳукуматимизнинг муносиб ҳиссаси бор, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Лекин, шу билан бирга, биз фақат қўлга киритган ютуқлар билан чегараланмасдан, ўз фаолиятимизга, қўйган қадамларимиз ва эришган марраларимизга танқидий баҳо беришимиз керак. Ва йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларда, ҳаётимизда мавжуд бўлган етишмовчиликларда ҳар қайсимиз ўз масъулиятимизни холисона кўришимиз ва англашимиз зарур, — деди Юртбошимиз. — Ана шундай ҳали-бери ечилмаган масалалар ҳақида сўз юритар эканмиз, мени шахсан, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги соҳаси, умуман, қишлоқ ҳаётида бундай муаммоларнинг кўплиги қийнайди. Албатта, бунинг негизида объектив сабаблар бор ва очиғини айтишимиз керак, уларнинг барчасини ечиш учун ҳозирча бизнинг имконият ва салоҳиятимиз етишмай турибди.

Лекин, бир нарсани тан олиш керак: қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, бу ерда яшайдиган, аҳолимизнинг камида 60 фоизини ташкил этадиган одамларнинг муаммоларини, қийинчилик ва етишмовчиликларини ҳал қилиш, қишлоқда ҳаёт даражаси ва маданиятни юксалтириш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: биз оғир табиий шароитда, иқлим кескин ўзгариб, сув ресурслари танқис бўлиб, ер унумдорлиги пасайиб бораётган бир вазиятда жуда катта машаққатли меҳнат эвазига ҳосил олишга эришмоқдамиз, — деб таъкидлади Президентимиз. —Табиийки, биз кўпдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, унинг долзарб муаммоларини ечиш тўғрисида бош қотирамиз. Агар ўз вақтида шу масалаларни, яъни бозор иқтисодиёти талаб этаётган янгича мулкий муносабатлар, аввало, ерга эгалик ҳиссиётини шакллантириш, ер унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларига кенг йўл очиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, умуман қишлоқ хўжалиги тизимини бугунги кун даражасига кўтариш чорасини кўрмас эканмиз, эртага бундан ҳам кўпроқ муаммоларга дучор бўламиз.

Биз раҳбар бўлиб, бу муаммоларнинг кўлами кенгайиб бораётганини пайқамасак, уларга тик қараш ўрнига ўзимизни улардан олиб қочиш кайфиятига берилиб кетсак, бу пировард натижада яхши оқибатга олиб келмайди.

Бу борада охирги вақтда биз қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ муаммоларни ечиш масаласига жуда кўп эътибор бераётганимиз ва шу бўйича муҳим фармон ва қарорларни қабул қилганимиз сизларга яхши маълум.

Бугун мен шу муаммолар қаторида фақатгина бир масалага урғу бермоқчиман, — деди давлатимиз раҳбари. — Яъни, қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш масаласига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Шу соҳани бошқарадиган одамларга юксак масъулият билан бирга етарли ваколат ҳам бермасак, ўз-ўзидан аёнки, вазиятни сезиларли даражада ўзгартиришга эриша олмаймиз.

Қишлоқ хўжалигини бошқариш, қишлоқ муаммоларини ечиш вазифалари ва масъулияти бугунги кунда кўпроқ жойлардаги вилоят ва туман ҳокимларининг зиммасига тушмоқда. Бу ерда нафақат деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехникани юксалтириш, янги-янги технологияларни жорий қилиш масалалари, шу билан бирга, қишлоқда яшайдиган одамларнинг оғирини енгил қилиш, содда қилиб айтганда, қишлоқ аҳолисининг ташвишларини яқиндан билиб, улар билан ҳамдард бўлиб яшаш ана шу вилоят ва туман ҳокимлари, ширкат раҳбарлари зиммасида эканини биз яхши биламиз.

Бу ҳақиқат, лекин шу билан бирга, яна бир ҳақиқат борки, уни ҳам тан олиш керак. Яъни, жойлардан Марказга қўйилаётган талабларнинг вазирликлар, ҳукумат идоралари ва керак бўлса, ҳукуматнинг ўзида ҳал қилиниши жуда кўп ҳолларда қийин кечади ва пайсалга солинади. Лўнда қилиб айтганда, бу масалаларни ечишда Марказда, ҳукуматимизда зарур даражада масъулият етишмайди.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ш.М.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ў.Т.Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Ўткир Тўхтамуродович Султонов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин ҳамда унга машинасозлик, қора ва рангли металлургия, нефть ва газ, геология, электроэнергетика, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек стандартлаштириш ва метрология, давлат ва сафарбарлик захиралари тармоқларига раҳбарлик қилиш юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ў.Т.Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида

Ўткир Тўхтамуродович Султонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь.

### Ислоҳот ва самара

## «ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МАСЪУЛМИЗ»

***Жамият, замон ва одамлар ўзгармоқда. Ана шу ўзгаришларга монанд иқтисодиётнинг энг таянч нуқталаридан бири бўлган саноатда ҳам юксалишлар юз бермоқда. Чунки саноатда янгиликсиз, интилишсиз, меҳнат самарадорлигисиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.***

***"Тоштўқимачи" очиқ акционерлик жамияти бозор иқтисодиётига ўтиш давридан сабр ва матонат билан ўтиб келди. Бу корхонада бугунги кунда ҳам ишлаб чиқариш барқарор давом этмоқда. "Тоштўқимачи" ОАЖ бошқаруви раиси Раҳматилло РЎЗИҚУЛОВ билан бўлган суҳбатимиз комбинат ҳаётидаги турфа ўзгаришлар хусусида кечди.***

***— Раҳматилло Рўзиқулович, суҳбатимизни мамлакатимиз Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида қайта-қайта таъкидланадиган мавзу, яъни, бошқарув бўғинини ислоҳ қилиш, раҳбарлар таркибида ишлаётган кишилар тафаккурини янгилаш ҳақидаги мавзудан бошласак...***

— Айни муддао. Чунки бошқарув бўғинини ислоҳ қилиш, раҳбарлар таркибидаги кишиларнинг тафаккурини шакллантириш бу нафақат уларнинг дунёқарашида ва ишлаб чиқаришга муносабатида, қолаверса, мулкка эгалик туйғусининг шаклланишида ҳам жуда муҳим омил ҳисобланади. "Раҳбарлик фақат лавозим" деган одамлар янглишади. Айниқса, ҳозирги замон раҳбари ҳам иш бошқарувчи, ҳам иқтисодчи, ҳам қонуншунос, умуман бир сўз билан айтганда бугунги кун талабларига жавоб берадиган том маънодаги раҳбар бўлиши керак. Чунки раҳбар ўз соҳасида тараққиёт учун масъулдир.

***— Гап раҳбарлар хусусида кетганда, уларнинг фаолиятига холис баҳо берилса уларнинг раҳбарлик иқтидорига, салоҳиятига бўлган хулосанинг ҳам салмоғи ошади. Негаки оддий одамлар тасаввуридаги ва улар орзу қилган раҳбар бўлиш осон эмас.***

— Тўғри айтдингиз. Агар раҳбар яхши бўлса, янгича фикрлайдиган, янгича тафаккурга эга, билимдон бўлса, унинг қўл остидагилари ҳам унга муносиб бўлишга ҳаракат қилишади. Раҳбар учун энг асосий нарса, унинг халққа хизмат қилишидир. Бизнинг жамиятимизда, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилиши асосий қоида" бўлиши керак.

***— Раҳматилло ака, бугун мамлакатимизда жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Кишилар тафаккурида бозор иқтисодиёти зарурлигига кўн сайин ишонч кучаймоқда ва одамлар бу жараённинг фаол иштирокчиларига айланмоқда. Сизнинг раҳбарлигингиздаги акциядорлик жамиятининг ишчи-хизматчилари ҳам бундан мустасно эмас. Лекин ишчиларнинг ижтимоий фаоллигида, мулкка муносабатида нимадир етишмаётганга ўхшайди.***

— Республикамиз мустақилликка эришган кундан буён орадан ўтган ўн икки йил мобайнида комбинатимизда ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу йиллар мобайнида комбинат қандай муваффақиятларга эришган бўлса, буларнинг барчаси ишчи-хизматчиларнинг меҳнати туфайлидир. Комбинатимиз ишчилари содда, меҳнаткаш одамлар. Уларни ижтимоий жиҳатдан фаол эмас дея олмайман. Лекин уларнинг мулкка, ишлаб чиқаришга муносабатларида биз яна ҳам юксалишга эришишимиз керак. Корхонамиз акционерлик жамияти, бинобарин ундаги барча нарсалар акционерларнинг ўзларига тегишли эканлигини тушуниш учун файласуф бўлиш шарт эмас.

***— Ҳар қандай жамиятда қонун устувор бўлса, инсоннинг ҳуқуқи таъминланган бўлади. Ана шунда тараққиётга эришилади. Бизнинг қонунларимизнинг устуворлиги шундаки, жамиятимизда парокандалик йўқ. Лекин жамиятимизнинг энг асосий қатламини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, шунингдек, жамоангиз ишчи-хизматчиларининг ҳам асосини ёшлар ташкил этишини ҳисоблаганимизда ёшларга, уларнинг теварагида бўлаётган воқеаларга қандай муносабатда бўлишимиз керак деб ўйлайсиз?***

— Биз бугун ёшларимиз, фарзандларимизнинг атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатимизни билдирмас эканмиз, бугун арзимас бўлиб туюлган нарсалар эртага жуда хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам Президентимиз Олий Мажлис сессиясида: "Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор" деган эдилар. Бундай олиб қараганда, бу гапларнинг замирида жуда улкан маъно-моҳият мавжуд. Чунки ёшлар бизнинг келажагимиз. Биз уларнинг эртанги кунига, эртанги ҳаётига бефарқ бўлмаслигимиз, уларнинг фаолиятларига панжа орасидан қарамаслигимиз лозим. Негаки инсон хулқ-атворида содир бўладиган ўзгаришлар унинг фикрлаш қобилиятига, ҳаётдан олган тажрибасига, сабоғига, атрофидаги воқеаларга бевосита боғлиқ бўлади. Шунингдек, инсон хулқ-атворида жамият ижтимоий тузилишининг турли қатламлари, гуруҳларининг ўзига хос меъёрий талаблари, эҳтиёжлари, манфаатлари ҳам ўз ифодасини топади.

***— Раҳматилло ака, неча минглаб тўқимачиларнинг ризқи сочилган комбинатнинг эртанги куни сизнинг наздингизда қандай бўлади, сиз унинг келажагини нималарда кўрасиз?***

— Бугун кечагидан, эртага бугунидан яхшироқ ишлаш тўқимачиларимизнинг азалий шиорига айланиб қолган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, комбинатнинг эртанги кунини қўшма корхоналарсиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам биз жамиятимиз таркибида қўшма корхоналар ташкил этиш, унга чет эл сармоясини киритиш учун Ҳиндистон, Туркия, Германия, Жанубий Корея сингари давлатларнинг етакчи компаниялари билан бу борада музокаралар олиб бормоқдамиз ва шартномалар тузмоқдамиз. Умид қиламизки, бу ҳаракатларимизнинг самараси тўқимачиларимизнинг шонли меҳнатлари кўмагида яқин кунларда ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.

**Суҳбатдош: Муродулло ХОЛИЁРОВ.**

**Шаҳримиздаги озиқ-овқат дўконларидан бирига кирганимда харидор билан сотувчининг суҳбати диққатимни тортди.**

**– Оқтош уни борми? — сўради харидор.**

**– Сотиб бўлдик, — жавоб қайтарди сотувчи.**

**Харидорнинг хафсаласи пир бўлди.**

**– Хоҳласангиз Қозоғистон уни бор!**

**– Оқтош унининг сифати ҳам, мазаси ҳам бошқача-да, нархи ҳам арзон, -деди харидор, — тўрт-беш дўконга кирдим. Ҳаммасида сотилиб бўлибди. Эртага келсам бир қоп олиб қўясизми?**

**– Келса албатта олиб қўяман.**

**Халиги харидор ишонч ҳосил қилиш учун ун пулини сотувчига олдиндан ташлаб кетди.**

## МАҲСУЛОТГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

Хўш, "Оқтошдон" ҳиссадорлик жамияти жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бу қадар харидоргир бўлиб қолишининг сабаби нимада? Биз ана шу саволга жавоб олиш ниятида "Оқтошдон" ҳиссадорлик жамиятида бўлдик. Очиғи ўша куни корхона атрофида юк ташувчи машиналар қаторлашиб тизилиб турган эди. Айниқса, корхона таъминот бўлимида мижозлар гавжум. Вилоятнинг узоқ-яқин туманларидан келганлар маҳсулот олиш учун ҳужжатларини навбати билан расмийлаштиряпти. Улар орасида каттақўрғонликлар ҳам бор экан.

– Каттақўрғонда ҳам ун ишлаб чиқарилади-ку, нега ўшалардан олмаяпсизлар, – сўрадим уларнинг бирида.

– "Оқтошдон"да тайёрланган уннинг таъмини татиб кўрганмисиз, – саволимизга савол билан жавоб қайтарди у бизга.

Жамият раиси Қаршибой Ибодовнинг бир дақиқа ҳам тиними йўқ. У дам телефон орқали туманлардаги хўжаликлар билан боғланиб, баъзи муаммолар ҳақида сўзлашади, дам қабулига хизмат юзасидан келган мижозларнинг сўзларини тинглайди. Бўш вақт топди дегунча яна телефон орқали цехлар билан боғланиб, ишлаб чиқариш жараёнларини суриштириб боради.

— Корхонамизнинг ишлаб чиқариш жараёнларида, – дейди Қаршибой Ибодов, – самарадорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун ижодий ёндашяпмиз. Энг муҳими сифат ва самарадорликка эътиборни қаратиш асосий вазифа қилиб белгилаб қўйилган. Бу аввало, ишчиларимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

Корхона лаборатория мудири Ахтам бизни корхона ичкарисига бошлади. Корхонанинг кафтдек текис кенг ҳовлисига асфальт ётқизилган. Ҳамма жой ёғ томса ялагудек озода. Йўлкалар атрофида гул кўчатлари экилган. Лифт орқали бинонинг олтинчи қаватига кўтарилдик. Тегирмон цехи жойлашган бу қаватда агрегатлар тинимсиз ҳаракатда. Ишчилар темир қувурлардан оқиб келаётган донни сарагини саракка, пучагини пучакка ажратаяпти. Тозаланган марвариддек дон яна темир қувурлар орқали бинонинг пастки қисмида ўрнатилган агрегатларга узатиляпти.

Эътиборли томони шундаки, кунига 200-220 тонна донни тозалаб, янчиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бинонинг қайси бир ерида бўлманг меҳнат мароми авжидалигининг гувоҳи бўласиз, чангни кўрмаймиз. Агрегатлар ўрнатилган жойлар топ-тоза.

Сабаби корхонада мавсум олдидан таъмирлаш ишлари ҳар томонлама пухта олиб борилди. Таъмирлаш даврида барча механизмлар техник кўрикдан ўтказилди. Айниқса, донни тозалаш ва янчиш агрегатларида тешик бўлмаслиги чоралари кўрилган. Қолаверса, ускуналар жойлашган цехларда чанг ютгич аппаратлари ўрнатилган. Бундан ташқари ҳар бир ишчидан ўз жойини доимо тоза сақлаш қатъий талаб этилади. Бу аввало меҳнат аҳлининг соғлиғига фойда, қолаверса тозаликка риоя этилган жойда меҳнат унумдорлиги ҳам ошади, маҳсулотнинг сифатли бўлишига эришилади.

### Юксалиш йўлида

Маҳсулот сифатлилигининг яна бир сабаби бор, — дейди корхона лабораторияси мудири, — биз асосан донни Иштихон, Нарпай ва Пахтачи туманлари ғаллакорларидан оламиз. Ғалла қабул қилиш мавсумида олинаётган доннинг сифатига алоҳида эътибор берамиз. Шартномамизда белгиланганидек, хом ёки пуч буғдойлар келтирилса, қабул қилмаймиз. Бунинг учун ғалла ўрим-йиғими мавсуми олдидан корхона мутахассислари деҳқонлар далаларида бўлишиб, улар билан экилган уруғ нави ва доннинг сифатлилиги хусусида суҳбатлар уюштиришади. Хирмон-жойларнинг тоза нотозалигини назорат қилишади.

Ҳа, Нарпай туманидаги "Оқтошдон" ҳиссадорлик жамияти жамоасининг меҳнатга муносабати ана шундай. Ғаллакорга нисбатан ҳам, ўзларига ҳам талабчанлар.

Жамият ишчи-хизматчилари зарурий тадбирларни амалга ошираётганликлари учун ҳам барча кўрсатгичларнинг юқори бўлишига эришмоқдалар. Тўққиз ойлик маълумотларга назар соладиган бўлсак, жамият жамоасининг фидокорона меҳнати туфайли 18 минг 965 тонна ун ишлаб чиқарилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ана шу маҳсулотнинг 17 минг 784 тоннаси биринчи навдир. Шунингдек, чорвачилик фермаларига 946 тонна омухта ем етказиб берилди. Бу белгиланган режага нисбатан 3 минг 746 тонна кўп демакдир. Уруғлик учун ишлаб чиқарилган маҳсулот эса 7 минг 960 тоннани ташкил этди. Шулар ҳисобига корхона жамоаси 33 миллион 396 минг сўм соф фойдага эга бўлди.

Меҳнат жамоаси 10 минг 801 дона акцияга эга. Бу Низом жамғармасининг ўн фоизини ташкил этади. Ўтган йили ҳар бир акциядор минг сўмлик акцияси учун 900 сўмдан девидент олди. Корхонада меҳнат унумдорлиги ошган сари ишчиларнинг ҳам ойлик маошлари кўтарилмоқда. Масалан, ўтган йили ҳар бир ишчи ўрта ҳисобда 30 минг сўмдан маош олган бўлса, бу йил уларнинг меҳнат ҳақлари 40-45 минг сўмданга тўғри келаяпти.

Ҳа, тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан фаолият юргизилган жойда ҳамиша барака бўлади. "Оқтошдон" ҳиссадорлик жамияти раиси давр талабига жавоб берадиган, жамоасига нисбатан талабчан ва меҳрибон раҳбарлар тоифасидан экан. Шунинг учун ҳам Қаршибой Ибодов раҳбарлигида бу ерда ҳамма иш маромида олиб боriляпти. Энг муҳими «Оқтош» унининг доғи тобора кенг ёйилмоқда.

**Асқар ЖАЛИЛОВ,**
**"Адолат" мухбири.**

# Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида

# АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Очиқ эътироф этишимиз лозим — жойлардаги аҳволдан, қишлоқ одамларининг кундалик эҳтиёжларидан хабардор бўлиш, улар қўядиган масалаларни ечиш бизда қандайдир мавсумий бир одатга айланиб қолган, десам, айни ҳақиқат бўлади. Яъни, биз қишлоқ ҳаётини асосан кўкламги экиш даврида ва ҳосилни йиғиб олиш пайтида кўпроқ Марказдан туриб кузатамиз ва назорат қиламиз.

Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарурки, қишлоқ хўжалиги билан ҳар куни шуғулланиш керак. Қишлоқ ҳаётида учрайдиган катта ёки кичик масала бўладими, даромад ёки буромад бўладими, уларнинг ичига кириб бориш даркор. Ва бу иш мавсумий тадбирларни эмас, кескин ва қатъий чоралар кўришни талаб қилади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Биз яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак:

қишлоқ хўжалигининг унумдорлиги, унинг самараси, оладиган даромад ва фойдаси нафақат қишлоқда меҳнат қилаётган одамларни таъминлайди, балки, барчамиз яхши тушунамиз, бу соҳанинг таъсири бутун иқтисодиётимизда сезилади ва, керак бўлса, шу соҳага алоқадор бўлган барча-барча тармоқларни иш билан таъминлайди. Бу эса охир-оқибатда бутун иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини белгилайди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, биз кейинги йилларда ҳукуматимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқарадиган Бош вазир ўринбосари лавозимида кўп-кўп одамларни синадик, шу вазифага кўпгина раҳбарлар келиб кетди. Лекин вазият эскича қолмоқда.

Бугун Бош вазир лавозимида ишлаб келаётган Ўткир Тўхтамуродович Султонов бу борада қўлидан келганича ҳаракат қилаётганини ҳам айтишимиз лозим. Бу инсон ўзига юклатилган вазифага нисбатан масъулияти, меҳнатсеварлиги, бошқарувчилик малакаси, одамларга, ён-атрофдагиларга муносабати билан ҳар қандай ҳурматга сазовор.

Лекин, шуни ҳам тан олишимиз керакки, бу раҳбаримизнинг асосан индустрия-саноат соҳасини, авваламбор, юртимизда жойлашган катта-катта корхоналарнинг ишини ташкил қилишда кўпроқ тажрибаси бор. Қишлоқ хўжалиги соҳаси, қишлоқ муаммолари, уларни ўз вақтида узоқни кўзлаб ҳал қилиш масалалари эътибордан четда қолмоқда, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Биз юқорида зикр этилган муаммоларни атрофлича кўриб чиқиб, бамаслаҳат бир хулосага келдик: Султоновни Бош вазир муовини лавозимига, яъни бугунги ҳукуматимиздаги иш тақсимоти бўйича машинасозлик, металлургия, химия, энергетика, нефть ва газ, геология ва шу каби тармоқларни бошқарадиган раҳбарлик вазифасига ўтказишга келишиб олдик.

Бош вазир лавозимига эса кўп ўйлаб, мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда, аввало, ҳудудларимиздаги шароитни яхши биладиган, шу жойларда ишлаётган одамларнинг дарду ташвишлари, орзу-интилишларидан хабардор бўлган, буларнинг барчасини ўз тажрибаси, ўз ҳаётидан ўтказган одамни тайинлаш маъқул, деган хулосага келдик.

Куни кеча Олий Мажлис Кенгаши ва шу масалага алоқадор бўлган тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини таклиф этишга қарор қилдик, — деди Президентимиз. — Бу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 93- ва 98-моддаларига биноан 2004 йилнинг декабрида Олий Мажлисимизга бўлиб ўтадиган янги сайловлардан кейин ҳозирги вақтда Президент раҳбарлик қилаётган Вазирлар Маҳкамасини бошқариш вазифаси Бош вазир зиммасига юкланади.

Бундай ўзгаришлар жараёни ўз навбатида ҳукумат аъзоларига ҳам ўта мураккаб ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Шу боис ҳукумат бу вазифаларни самарали адо этиш учун ҳозирлик кўриши ва ўз масъулияти, ўз жавобгарлигини оширишга тайёр бўлиб туриши даркор.

Энг муҳими, аввало, иш услубларини ўзгартириш ва замон талабларига мослаштириш, демократик андозаларга риоя қилиш, тез ўзгариб бораётган ҳаёт суръатларига муносиб бўлиш, бир сўз билан айтганда, эл-юртимиз ишончини қозониш учун ҳукуматимиз бор куч ва тажрибасини, бутун борлиғини сафарбар қилиши керак.

Бугун сессиямиз кун тартибига қўйилган мана шу масала бўйича, яъни ҳукуматимизнинг Бош вазирини тайинлаш тўғрисидаги Президент Фармонини қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз, — деди давлатимиз раҳбари сўзининг охирида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифини Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев, "Пахтабанк" акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев ўз чиқишларида қўллаб-қувватлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлаш тўғрисидаги ҳамда Ў.Султоновни Бош вазир ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг келгуси йил учун асосий молиявий ҳужжати муҳокамасида Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, парламентнинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари К.Йўлдошев, Қўрғонтепа тумани ҳокими М.Қосимов, Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси директори Ў.Саиджонов, Наманган вилоятидаги "Осиё" агрофирмаси бош директори Н.Курбонбоев иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

"Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида "Ўзбекинвест" миллий компанияси Фарғона вилояти бўлими директори А.Мўминов, "Андижондонмаҳсулот" акционерлик бирлашмаси раиси Б.Жалолов, Навоий тумани ҳокими Э.Бердиев, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И.Бойжонов, "Ўзмахсуссувдренаж" уюшмаси бошқаруви кенгаши раиси Б.Мамадалиев қатнашди.

Парламент "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги қонунни маъқуллади ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, Тошкент шаҳридаги "Фармед" хусусий фирмаси бош директори Д.Тошмуҳамедова, Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, Хатирчи туманидаги Акмал Икромов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э.Қаҳҳоров иштирок этди.

Депутатлар янги таҳрирдаги "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиевнинг "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонун лойиҳасига оид маърузаси билан бошланди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида "Бухоротурист" акционерлик жамияти раиси М.Зокиров, "Фарғонанефттехкимёмонтаж" масъулияти чекланган жамият бошқаруви раиси Р.Жалилов, Андижон шаҳри ҳокими А.Собиров иштирок этди. Парламент "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

"Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик тақдим этди. Тошкент давлат аграр университетининг "Ахборот технологиялари" кафедраси мудири А.Абдураҳимов, "Фарғонаазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А.Абдуллаев, Поп тумани ҳокими Р.Исматуллаев, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори Р.Каттаева чиқишларидан сўнг депутатлар "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа қўмитаси раиси ўринбосари С.Солиев "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Бухоро шаҳри ҳокими К.Камолов, "Ўзқишлоқмаш-холдинг" компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов, Шаҳрихон туманидаги Т. Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раиси У.Бозорбоев, Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг Хоразм вилоят уюшмаси раҳбари Г. Ибодуллаева, "Новатор" ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 12 декабрда ўз ишини давом эттиради.







**СУРАТЛАРДА: сессиянинг иш фаолиятидан лавҳалар.**
**ЎзА ва Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.**

**Бизнинг мусоҳаба**

# ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

## — дейди Олий Мажлис депутати Шарифа САЛИМОВА



**Шарифа Салимова Паркент туманида туғилган. Шоира, журналист. "Ҳаёт завқи", "Менинг баҳорим" шеърий китоблари, "Ҳизр булоғи" достони, "Тонгги қасам" публицистик мақолалар тўпламлари билан кенг жамоатчиликка танилган. Олий мажлис депутати.**

**У бадиий ижод билан бир қаторда – давлат миқёсидаги Оналик ва болаликни ҳимоялашга ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Қуйида мухбиримиз билан кечган суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

**– Куни кеча иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси иш бошлади. Олий Мажлис депутати сифатида ушбу сессиянинг аввалгиларидан фарқини нималарда кўрасиз?**

– Аввало, ҳар бир сессия ўзига хос сиёсий, тарихий жараён. Аввалги сессияларимизда мамлакатимиз парламенти томонидан Конституциямиздаги қоидаларни ривожлантириш натижасида "Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги каби ва бошқа қатор қонунлар қабул қилинган бўлса, ушбу сессия кун тартибидан мамлакатимизнинг 2004 йилги Давлат Бюджети лойиҳаси, "Хусусий корхона тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва яна бир қатор бошқа қонун лойиҳалари, Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш масалалари ўрин олган. Табиийки, қабул қилинажак ушбу қонун лойиҳаларининг ҳар бири мамлакатни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Зеро, ўтиб бораётган "Обод маҳалла йили", Конституциямизнинг бир неча кун муқаддам нишонлаганимиз – ўн бир йиллик байрами, келаётган 2004 йилнинг Президентимиз томонидан "Меҳр ва мурувват" йили деб эълон қилиниши – буларнинг бари "биз ҳеч кимга тобе бўлмасдан, турли сиёсий ўйинлар гирдобига тушмасдан, ўз миллий манфаатимизга жавоб берадиган мустақил сиёсатни давом эттира"ётганимизнинг ифодасидир.

**– Оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб боришимиз жараёнида маълум бўлдики, Олий Мажлиснинг сиз бошқараётган Оила ва аёллар муаммолари комиссияси иши икки сессия оралиғида одатдагидек қизғин ва фаол кечди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши қарори билан тасдиқланган иш режасига биноан янги қонун лойиҳалари устида ишлаш, таклифлар бериш билан бир қаторда қонунларнинг жойлардаги ижроси – назорат-таҳлил фаолияти бўйича ҳам муайян ишларни амалга оширди. Масалан, Тошкент вилоятида Оила кодексининг 8-моддаси: оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланиши, Бухоро вилоятида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро Конвенция ҳамда Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103-Конвенция ижроси, Жиззах вилоятида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги, Андижон вилоятида Оила кодексининг эр-хотин мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид қоидалари ижроси ўрганилганининг гувоҳи бўлдик. Шунингдек, "Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда маҳалла, оила ва мактабнинг ўрни", "Йод тақчиллиги муаммолари ва уни ҳал этиш йўллари", "Гиёҳвандлик — XXI аср вабоси" каби илмий-амалий конференциялар, минтақавий семинарлар ва уларда ишлаб чиқилган тавсиялар бугунги кунимиз талабларидан келиб чиқиб қўйилган амалий қадамлардир. Комиссиянинг табиатидан келиб чиққан ҳолда бугуннинг оиласи билан мустақилликкача бўлган давр оиласининг тафовутларини нималарда кўрган бўлардингиз?**

– Яқинда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Халқаро болалар ташкилоти бўлмиш ЮНИСЕФнинг 2003 йил ижтимоий мониторинги-тадқиқоти натижалари эълон қилинди. Унинг натижасига кўра, Ўзбекистонда гўдаклар ўлими кескин камайган, илгари ҳар 1000 нафар чақалоқдан 38,1 нафари нобуд бўлган бўлса, бу кўрсаткич мустақиллигимиз йиллари 18,3 нафарга тушди ва Марказий Осиёдаги энг яхши кўрсаткични ташкил этди.

Келинг, 1982 йилга бир назар ташлайлик... Ўшанда картошкадаги нитратлар бир килограмм ҳисобига 80 миллиграммни ташкил этган бўлса, 1988 йилга келиб, 250 миллиграммга етган. Карамдаги нитратлар 150 миллиграммдан 500 миллиграммгача, помидордаги нитратлар 60 миллиграммдан 150 миллиграммга етган эди. "Оролни қутқариш" комиссиясининг хулосаларига кўра, "Пестицидларнинг салбий оқибатлари туфайли Ўзбекистонда туғма касалликларнинг сони ортиб бормоқда эди. 120 пестициднинг 90 таси одам организмига мустаҳкам ўрнашиб олганлиги далиллар асосида исботлаб берилган, совет Ўзбекистони эса болалар ўлими жиҳатидан Иттифоқда биринчи ўринни эгаллаб келарди.

Унутиб бўладими бундай тарихни... Бугунги куннинг қадрига етмоқ учун ҳозирги ўсиб келаётган ёш авлод бутун бир миллат соғлиги хавф остида қолган ўша кунларни – XX асрнинг қисматига айланган мудҳиш кечмишни билиши лозим. Зеро, Президентимиз иборалари билан айтганда, "Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади. Шу маънода аёлларни, оналарни асраш керак, дегани – бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир".

**– Комиссиянинг икки сессия оралиғида амалга оширган ишларидан бири, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Оила кодексининг эр ва хотин мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид қоидаларининг Андижон вилоятидаги ижросини ўрганиш бўлди. Сизнингча, мазкур Кодекс моддаларининг ижроси қай даражада бўлди?**

– Биз ўрганган масала фақат Андижон вилоятига тааллуқли эмас. Бугунги кунда никоҳ шартномасининг Республика бўйича фақат 53 тани ташкил этиши ҳаммамизни жуда жиддий ўйлатадиган муаммо. Вилоятда, аксинча, бу борада силжиш бор. Ўттиздан ортиқ никоҳ шартномалари қайд этилган. Бироқ ушбу шартнома нега талаб даражасида ишламаяпти? Нега муқаддас оила остонасида турган айрим ёшларимиз не-не умидлар билан қурилган оиласини бир вақтлар келиб, бир ёки икки, ёки ундан ортиқ фарзандлари билан турмуш чорраҳаларига ташлаб кетмоқда. Ўзининг номида на уй, на жой, на тайинли касби бўлмаган турмушга тайёр бўлмаган ҳолатда никоҳ аҳдига панжа ортидан қарамоқда? Бу ўринда қайноналарнинг роли ўзимизнинг қадимий қайноналаримиз, вазмин, меҳрибон, кечирувчан, донишманд бир оналик ўрнини тўла боса олаётганига ишончимиз комилми?

Биз Комиссиямизнинг навбатдаги йиғилишида ушбу муаммоларни кенг жамоатчилик эътиборига кўндаланг қилиб қўйдик. Зеро, биз демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида бор имкониятларимизни ишга солаётган эканмиз, табиийки, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши ушбу йўлдаги энг муҳим қадамдир.

**Суҳбатдош: Вилоят ШОДИЕВА, "Адолат" мухбири.**

# СЎРАНГ, жавоб берамиз

***Ҳурматли "Адолат" газетаси ходимлари! Ўрмон ерларидан фойдаланиш тартиби ва уларни қандай ишлатишнинг қонун-қоидалари тўғрисида маълумот беришингизни сўрайман.***

**Дилмурод БОБОДЎСТОВ, Қашқадарё вилояти.**

Ўрмонлардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинган. Қолаверса, бундай ҳуқуқ ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғланиб кетган.

Ўзбекистонда ўрмонлардан фойдаланишни бошқариш Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси томонидан амалга оширилади. Ҳаракатдаги ўрмон қонунчилигига кўра, ер участкаларини бериш ва фойдаланиш тартиби аниқ ва равшан белгилаб қўйилган.

Ўрмон фондини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш унинг участкаларини ўрмондан фойдаланувчи маълум шахсларга бериш ва уларнинг баъзиларидан олиб қўйиш тартибида амалга оширилади. Жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам ўрмондан фойдаланувчи бўлишлари мумкин. Ўрмон ҳудудлари энг узоқ муддат билан 10 йилга, энг қисқа муддат билан эса 3 йилга фойдаланишга берилиши мумкин. Давлат ўрмон хўжалиги органларининг қарори ўрмонларни фойдаланиш учун беришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ижара тўғрисидаги шартнома ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир. Ўрмонлар қисқа муддатга фойдаланиш учун берилганда эса ўрмон кесиш чиптаси ёки ордер берилади.

Ўрмонларни тартибга солиш жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилади: 1) чегараларни белгилаш; 2) ўрмонларни харитага чизиш; 3) ўрмондаги дарахтларнинг турлари ва уларнинг ёшини аниқлаш; 4) ўрмон фондидаги турли хўжалик ва бошқа тадбирларни ўтказилиши лозим бўлган участкаларни аниқлаш; 5) ўрмонларни гуруҳларга бўлиш; 6) Ишлаб чиқаришда фойдаланадиган дарахтларни ҳисоблаш; 7) ўрмонларни барпо этиш, ўрмонларни қайта тиклаш, ўрмонларни ёнғиндан муҳофаза қилиш; 8) ўрмонлардан қўшимча фойдаланиш ҳажмларини аниқлаш.

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи турларидан биридир, аммо ўрмондан фойдаланиш бўйича муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ўрмон бойликларининг ўзига хосликларига мос келадиган ўзининг алоҳида жиҳатларига эгадир.

**Нурия НОМОЗОВА, Косон шаҳар педагогика-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси.**

**Нигоҳ**

# ЁШАРАЁТГАН ГУЛЛАР ШАҲРИ

**Наманган ва наманганликлар ҳақида гап кетгудек бўлса, бу ерда миллий ва диний қадриятларнинг барқарорлигини, меҳр-оқибатнинг кучлилигини, одамларининг меҳмондўстлигини, гўзалликка, айниқса, гулларга ошуфта эканлигини қайта-қайта таъкидлашади. Бу бежизмас, албатта. Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов ҳам "Мен пок ниятли наманганликларнинг меҳнат шижоатига доимо чуқур ҳурмат билан қарайман" деганларида ана шу фазилатларни эътиборга олган бўлсалар, ажабмас.**

Дарҳақиқат, Наманган Ҳизр назари тушган жой, ўз бағрида Мулла Бозор Охунд, Бобораҳим Машраб, Муҳаммадшариф Сўфизода, Усмон Носир, Рафиқ, Мўмин сингари миллатимиз фидойиларини вояга етказган муқаддас жой.

Мустақиллик йилларида наманганликлар ҳам ижтимоий, ҳам маданий, ҳам иқтисодий соҳаларда улкан ўзгаришларни қўлга киритди. Буни бугун Наманганда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, қўлга киритилаётган янгидан-янги ютуқлар тасдиқлайди.

Бош Қомусимизнинг 11 йиллиги байрами арафасида пойтахт Тошкентдан хушхабар келди. Яъни, Наманган шаҳридаги "Гулбоғ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мунаввархон Дадахонова "Миллий қадриятларни ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол оқсоқол" республика кўрик-танловида ғолиб деб топилибди. Бу хушхабар нафақат маҳалла аҳлини, балки барча наманганликларни беҳад қувонтирди. Бундан сал илгарироқ, аниқроғи, ёз фаслида эса "Шарқ тонги" маҳалласининг ёш "чарм тўп усталари" 11-12 ёшлилар ўртасида ўтказилган футбол мусобақаларида республикада 3-ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритишган эди. "Даштбоғ" номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рислиқхон Абдуғаффарованинг вилоятда ўтказилган "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли" кўрик-танлови ғолиби бўлганлиги ҳам айни ҳақиқатдир.

Эътибор қилган бўлсангиз, биз асосан маҳаллаларда эришилган ютуқлардан мисол келтирдик. Чунки юқорида таъкидлаганимиз, миллий ва диний қадриятлар, урф-одатларнинг сақланиши ва давом этишида биринчи навбатда маҳаллаларда олиб борилаётган кенг қамровли ишларнинг аҳамияти беқиёсдир. Айниқса, "Обод маҳалла йили"да бу ишларнинг кўлами янада кенгайди ва ривожланди.

Эндиликда Наманган тобора ёшариб бормоқда. Чунки шаҳар аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Уларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун шароитлар яратиш шаҳар ҳокимлигининг доим диққат-эътиборида. Мустақиллик йилларида ёшлар учун қанчадан-қанча академик лицейлар, коллежлар, спорт муассасалари қурилди ва бугун ана шу масканларда ёшлар билим олишмоқда, соғлом бўлиб вояга етишмоқда. Ёки яқинда қуриб фойдаланишга топширилган "Ёшлар спорт мажмуаси" ана шу ғамхўрликнинг амалдаги исботидир. Президентимиз Наманганга ташриф буюрган чоғларида ушбу мажмуа қурилишини кўздан кечирарканлар, уни янада кўркам ва жозибали қилиш, бунда миллий хусусиятларни, экологияни ҳисобга олиш, кўкаламзорлаштириш, ҳатто қандай дарахтларни ўтказиш ҳақида қимматли маслаҳатларини бердилар ва бу маслаҳатларга амал қилинганлиги туфайли чиндан ҳам ушбу мажмуа водийда, ҳатто республикамизда ягона спорт мажмуаси бўлди, дейишга тўла ҳақлимиз.

Фақат бугина эмас, Юртбошимиз ўша ташриф пайтида мажмуанинг давоми сифатида ёшлар боғи барпо этилса мақсадга мувофиқ бўлишини айтгандилар. Буни қарангки, таклиф ташаббусга айланди. Шаҳардаги бир қатор корхона, ташкилотлар ушбу боғни бунёд этишда биринчилардан бўлиб ҳомийлик ёрдами бериш истаги билан чиқдилар ва айни кунларда дастлабки ишлар бошлаб юборилди. Насиб қилса, келгуси йилда наманганлик ёшлар яна бир ажойиб совғани қабул қилиб оладилар.

Албатта, бундай муваффақиятлар ҳақида эшитиш, сўзлаш завқли. Кўплар бунга ҳавас билан қараб бунга қандай қилиб эришяптилар, деган саволни кўнгилдан ўтказишлари табиий. Аслида бунинг ҳеч қандай мураккаб сири синоати йўқ. Гап шундаки, наманганликлар ўз юртини, шаҳрини, келажак эгалари бўлган фарзандларини юракдан севадилар. Уларни энг гўзал, энг кўркам ва соғлом бўлишларини орзу қиладилар. Шу мақсад учун бор молини ҳатто жонини аяшмайди.

Иккинчи муҳим жиҳати шундаки, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги халқнинг қалбидаги ана шу эзгу ниятларни тўғри англайди ва уни амалга ошириш учун зарур имкониятлар яратади. Биргина мисол: Наманган вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов маҳалла фаоллари билан тез-тез учрашиб туришдан чарчамайди. Уларнинг таклиф-мулоҳазаларига қулоқ тутади, муаммолари бўлса, биргаликда ечим излайди. Хоҳиш-истакларини эътиборга олган ҳолда йирик корхона-ташкилотларни барча маҳаллаларга ҳомий этиб белгилаб қўйилганлиги ҳам бунинг бир калитидир.

Наманган шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати Муҳаммаджон Тожибоев эса маҳалла ҳаётига оид бирор-бир масалани маҳалла оқсоқоллари маслаҳатисиз ҳал қилмайди, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олади. Бугунги кунда айтиш мумкинки, шаҳарда бирорта маҳалла идораси ёки гузари йўқки, замон талабига жавоб бермаса. Ҳаммаси бир-биридан гўзал ва бир-биридан шинам. Жумладан, биргина шу йилнинг ўзида "Меҳнатобод", "Қизил кўприк", "Исфархон", "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинларига янги, замонавий идора ва гузарлар қуриб берилди. Шароит соз бўлгач, ишлар ҳам унумли ва самарали бўлади. Шу йилнинг ўзида "Даштбоғ", "Иттифоқ", "Қизил кўприк", "Атанган гузар", "Бураматут" маҳаллаларида 560 та янги ишчи ўринлари яратилди. "Ишчи", "Байналминал", "Сўфизода" номли маҳаллаларда эса 1500 нафарга яқин ёшларга компьютер сабоқлари берилди ва тикувчилик касбининг сир-асрорлари ўргатилди. Маҳаллаларда спортни оммалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Янги-янги спорт майдончалари, тўгараклар очилганлиги муносабати билан 10 минг нафардан ортиқ ёшлар спорт мусобақаларига жалб этилди. "Байналминал" маҳалласида эса "Гули" касб-ҳунар ўқув маркази очилиб, 300 нафардан ортиқ қизларга тикувчилик ва пазандалик сирлари ўргатилди ва уларга сертификатлар топширилди. Ҳамза номли маҳаллада "Уста-шогирд" анъанасининг йўлга қўйилганлиги туфайли ёшлар дурадгорлик, миллий ўймакорлик, наққошлик ҳунарини эгалламоқдалар.

— Бугун маҳалла фуқаролар йиғинига, оқсоқолларга катта масъулият юклатилган, — дейди шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ташкилий ишлар ва кадрлар гуруҳи раҳбари Қодирхон Нурматов. — Энг аввало маҳаллада тинчлик-осойишталикни барқарор сақлаш, ободонлаштириш, тўй-маросимларни тартибли ўтказиш, коммунал тўловлар, ёшлар тарбияси — буларнинг барчасига эришиш учун оқосоқоллар обрў-эътиборга, билим ва малакага эга бўлиши талаб этилади. Шуни ҳисобга олиб, маҳалла оқсоқоллари таркибини сифат жиҳатидан янгилашга эътиборни кучайтирдик.

Дарҳақиқат, бугунги кунда 67 та маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг 90 фоизи олий маълумотлилар ёки 15 фоизи аёллар вакилларидир. Кадрларни танлаш, ўқитиш, малакасини ошириш ва уларни жой-жойига қўйиш бўйича қилинган ишлар ўз самарасини бераяпти. Сайланган оқсоқоллар маҳалла аҳлининг ҳам, шаҳар ҳокимлигининг ҳам ишончини оқламоқда. Буни яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳам исботлади. Фуқаролар вакиллари маҳалла йиғинлари ва уларнинг 2,5 йиллик фаолиятига муносиб баҳо бердилар, ютуқ ва камчиликлар ҳақида очиқ-ойдин ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Энг муҳими, деярли барча оқсоқоллар яна қайтадан сайланиш шарафига муяссар бўлдилар.

— Президентимиз томонидан 2004 йилни "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилинганлиги айни муддао бўлди, — дейди шаҳар ҳокими Муҳаммаджон Тожибоев. — Бу таклиф халқимизга кўтаринки куч бағишлади. Ҳақиқатан ҳам бугунги бозор иқтисодиёти шароитида, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда халқимизнинг жипслиги, меҳр-оқибатли бўлиши ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Дарҳақиқат, Наманганда меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш бўйича ҳам муайян тажриба тўпланган. Жумладан, шаҳарда 245 нафар якка-ёлғиз яшовчи фуқаролар бўлса, улар бирор кун эътибордан четда қолдирилмаган. Аксинча уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб турилади, байрамларда совғалар берилади. Бундан ташқари ҳар бир ёлғиз фуқарога корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари ҳомий қилиб боғланганлар. Улар бу хайрли ишни ҳамиша ўзларининг инсоний бурчлари, деб билишади, иссиқ-совуғидан хабар олишади, ҳеч қачон уларни қаровсиз қолдиришмайди.

Шаҳар ҳокими "ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин" деган ҳадисни кўп таркорлайди. Лекин шундай бўлса-да, айрим хайрли ишларни айтсак, зарар қилмайди. Жумладан, шу йилнинг ўзида шаҳардаги 15 нафар ногиронга аравача, 7 нафарига қўлтиқтаёқ, 15 нафарига ҳасса, 25 нафарига протез-ортопедия маҳсулотлари олиб берилди. Биргина Рамазон ҳайити ва Халқаро ногиронлар кунининг ўзида 25 миллион сўмликдан ортиқ хайру саховат ишлари амалга оширилди. Шу куни Мусохон ота Жамолов, Аҳмаджон ота Раупов, Ҳабибулло ота Расулов сингари уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларнинг ҳолидан хабар олинди. Бу табаррук отахонларнинг ўзларига бўлган эътибор ва ғамхўрликдан бошлари осмонга етди. Улар юртимизда ҳамиша тинчлик-осойишталик барқарор бўлсин, дастурхонларимиздан файзу барака аримасин, омборларимиз донга, хонадонларимиз нонга тўлсин, дея дуо қилдилар.

Биз ҳам ана шу дуоларга қўшилган ҳолда Наманганнинг эртаси бугунгидан ҳам фаровон ва чароғон бўлишини Яратгандан тилаб қоламиз ва албатта, Сизларни ёшариб бораётган гуллар шаҳрига таклиф этамиз.

**Комилжон ФАЙЗИЕВ, журналист.**



22 декабрь — Энергетиклар куни

# УЙИМИЗ ЁРУҒ, ҚАЛБИМИЗ НУРАФШОН

**бўлсин, — дейди Сурхондарё вилояти электр тармоқлари шўъба корхонаси директори Файзулло САФАРОВ**



Тараққиёт. Бу — ҳар бир халққа қадрдон тушунча. Аммо уни вужудга келтирувчи бир қатор омиллар борки, уларсиз бу тушунчани хаёлга келтириш маҳол. Дейлик, кечқурун дастурхон атрофида оилангиз билан жам бўлиб ўтирган паллангизда электр чироғи ўчиб қолди, не аҳволга тушасиз? Уйқуга кетгунингизча битириб олмоқчи бўлган ишларингиз-у, ойнаи жаҳон орқали томоша қилиб турганингиз — муҳим хабар ҳам чала қолади. Фарзандларингиз бўлса уй вазифасини охирига етказолмай, оғриниб-оғриниб уйқуга кетади. Албатта, бу электр қувватисиз қолган бир оиланинг аҳволи. Энди дунё бўйлаб миллиардлаб оиланинг электр чироғисиз қоладиган бир кунини тасаввур қилиб кўринг-а! Ана унда кеча-кундуз электр қуввати асосида тиним билмайдиган техника воситалари, машина механизмлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Демак, биз ҳеч иккиланмай электр бу — тараққиёт, электр — нурафшон ҳаёт демоққа ҳақлимиз.

1963 йилнинг 14 январи эди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазири 18-сонли буйруққа имзо чекди.

Шу тарзда Сурхондарё вилоят электр тармоқлари корхонаси вужудга келиб, аста-секинлик билан унинг таркибида Сариосиё, Шўрчи, Шаҳрисабз, Денов, Термиз, Қумқўрғон электр тармоқлари идоралари барпо этилади ва ўша йили 10 та дизел электр станцияси ишга туширилади. Кейинроқ Қарши, Косон, Ғузор, Яккабоғ, Термиз, Шеробод туманларида 6 та энергопоезд, 4 та дизел, 3 та гидроэлектр станция қуриб фойдаланишга топширилди. Натижада шу йилнинг ўзидаёқ Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятидаги электр истеъмолчиларига 53 миллион 830 минг киловат — соат электр энергияси сотилди. Ҳозирги кунда мазкур рақам 27-28 марта ортди, яъни воҳа энергетика тармоғи ҳар йили 250-300 километрга узайди.

Шундай қилиб, Сурхондарё электр тармоқлари корхонаси 0,4 киловатли 8894,1 км, ҳамда 6-10 киловатли — 6893,1 км масофага эга бўлган электр узатиш линияси орқали 2331 та трансформатор пунктларига хизмат кўрсатаётганини назарда тутсак, вилоятда соҳа ривожи нечоғли ривожланиш палласига кирганини англаб олиш қийин эмас.

— Корхонамиз 2003 йилнинг дастлабки 10 ойида вилоятимиздаги ишлаб чиқариш корхоналаридан тортиб, кўп минг сонли аҳолига 225 миллион 946 минг киловат — соат электр энегрия етказиб берди, — дейди Сурхондарё вилоят электр тармоқлари шўъба корхонаси директори Файзулло Сафаров. — Мазкур рақам сўмга айлантирилганда 2 миллиард 897 миллион 283,5 минг сўмни ташкил қилиб, шундан 2 миллиард 766 миллион 715,4 минг сўмлик маблағ йиғиб олинди. Ҳозирга қадар мавжуд электр линиялари ва трансформатор пунктларининг барчаси кўздан кечирилиб, 0,4-6-10 киловатли бўлган 1390 километр масофадаги электр узатиш линияси ҳамда 196 та трансформатор пункти, 86 та тармоқ трансформаторлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бу ўз навбатида вилоят аҳлини узлуксиз электр қуввати билан таъминлаш имконини беради.

Ҳа, корхона раҳбари Файзулло Сафаровнинг сўзларида жон бор. Тартиб, саранжомлик бўлган жойда сифат ва самара ҳам юқори бўлади. Ишловчи ўзининг меҳнат маҳсулидан кўнгли тўлади. Боз устига у меҳнат қиладиган корхонадаги ижтимоий муҳит соғлом бўлса, нур устига аъло нур. Хуллас, мана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб жорий йилда Бойсун ва Олтинсой туманларидаги ҳамда Термиз шаҳар электр тармоқлари корхонаси бинолари ҳам тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилди. Ўз навбатида мазкур корхоналарда ишловчи бир неча йиллик иш тажрибасига эга бўлган фахрийлар ва 1210 нафарлик жамоага ўз меҳнати билан ўрнак бўлаётган фидойи касбдошлар рағбатлантирилгани ҳолда уларни жисмонан соғломлаштириш, кўнгилли дам олишларини ташкил этиш мақсадида 4 миллион 500 минг сўм маблағ сарфланди. Бу албатта, жорий йилнинг дастлабки ўн ойида қўлга киритилган 309 миллион 154,3 минг сўмлик фойданинг самараси бўлди.

— Таъбир жоиз бўлса, таъкидлар эдимки, — дейди сўзини давом эттириб Файзулло Сафаров. — Касб байрамимиз, қолаверса, янги, "Меҳр-мурувват" йили — 2004 йил ҳар бир юртдошимизга омад келтирсин. Наинки уйлару кўчалар ёруғ, балки қалбларимиз ҳам нурафшон бўлсин.

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,**
**"Адолат" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: корхона раҳбари Файзулло Сафаров; жамоа аъзоларидан бир гуруҳи.**

**Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ниҳоясига етаяпти.**

— Сайловларни аниқ режа ва дастурлар асосида ташкил этяпмиз, – дейди Ҳамза тумани ҳокимининг ўринбосари Шавкат Жавлонов. – Бу эса ўз самарасини бераётир. Туманимизда жами 50 та маҳалла мавжуд. Оқсоқоллик лавозимларига номзодлар тавсия қилинган. Ҳар қайси маҳаллада сайлов тинч-осойишта, эркин, ҳурфикрлилик асосида ўтказилмоқда. Зеро, бу бежиз эмас.

## ЯХШИЛАРНИНГ САРАСИ САЙЛАНМОҚДА

Чунки ушбу ҳисобот сайловларда сайланган оқсоқолларга қўйиладиган талаблар ҳам олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Зотан бугун уларга жуда катта масъулият юклатилмоқда. Туман ҳокимининг 2003 йил 17 октябрдаги қарорига асосан ташкил этилган ҳисобот-сайловни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ишлаб турибди.

Шу кунгача туман бўйича қарийб барча маҳаллаларда сайловлар бўлиб ўтди. Уларда сайланган оқсоқолларнинг 40 нафари олий, 10 нафари эса ўрта махсус маълумотли мутахассислар бўлиб, ҳар бири катта ҳаётий тажрибага эга.

Айниқса, "Наврўз", "Янгиобод", "Умид" номли маҳаллаларнинг раислари шундай олийжаноб инсонлар ҳисобланишади. Масалан, "Умид" маҳалласи оқсоқоли Абдуазим Алланазаровнинг кўпсонли миллат ва элатлар вакилларини бир оила сифатида бирлаштириб, маҳалланинг мавқеини ошираётгани диққатга сазовор.

Дарвоқе, Ҳамза туманида узоқ йиллар ишлаган собиқ оқсоқоллар кўмагидан фойдаланиш мақсадида "Фахрий оқсоқол" институтини жорий этиш мўлжалланмоқда. Бу улуғ номга сазовор бўлган инсонлар тўй-маъракаларни тартибли ўтказиш, оилаларни яраштириш, ҳашарлар уюштириш сингари маҳаллалардаги жамоатчилик ишларида бой тажриба-малакалари, лаёқатлари билан яқиндан ёрдам кўрсатадилар.

**Сафар ОЛЛОЁР,**
**"Адолат" мухбири.**





**Судларнинг касб ахлоқи ҳақида Ўзбекистон судьялари ассоциациясининг ўтган йилнинг 20 сентябрида бўлиб ўтган II съездида алоҳида таъкидланган эди. Шунингдек, ўша анжуманда ривожланган давлатларнинг қонунчилиги билан яқиндан танишиш, қолаверса, суд-ҳуқуқ соҳасида тажриба алмашишнинг бекиёс самараси ҳақида ҳам гапириб ўтилганди.**

Ҳамкорлик қирралари

# АМЕРИКАЛИК СУДЬЯЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Орадан бир йил ўтгач, яъни, шу йилнинг 23-30 сентябрь кунлари Америка юристлар ассоциацияси, Марказий Европа ва Евроосиё ҳуқуқий ташаббуси (ABA CEELI) ташкилотининг бевосита ёрдами билан бу яхши ният амалга ошди. Ўзбекистон Республикаси судьяларининг саккиз нафари АҚШнинг Вашингтон шаҳрида бўлиб қайтди. Улар америкалик судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ ўқув семинар машғулотларида қатнашдилар, бу мамлакатдаги суд-ҳуқуқ тизими ҳамда судьяларнинг этик-эстетик қоидалари билан танишдилар. Соҳа мутахассисларининг бой ҳаётий тажрибаларидан воқиф бўлишди. Юртимизга қайтгач эса, сафар таассуротлари ва АҚШда кўрган-кечирганларини, орттирган тажрибаларини ҳамкасбларига етказишга киришиб кетишди. Шу мақсадда яқиндагина Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида пойтахт вилояти ва шаҳри судьялари иштирокида учрашув ўтказилди. Унда Америка сафари иштирокчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъати раиси Холмамат Ҳасанов сафар таассуротлари, Американинг суд-ҳуқуқ тизими, суд-этик масалалари хусусида йиғилганларга батафсил ҳикоя қилиб берди. Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон судьялари ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари Убайдулла Мингбоев ва Америка юристлар ассоциациясининг вакили Энтони Барашнинг Американинг суд-ҳуқуқ тизими, суд этикасининг долзарб масалаларига бағишланган маърузалари ҳам қатнашчиларда ёрқин таассурот қолдирди.

Учрашувда судьялар ассоциациясининг фаолият самарадорлигини оширишнинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилди ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари фаолиятини янада кучайтириш билан боғлиқ ишлар атрофлича кўриб чиқилди. Ўзбекистон судьялари ассоциациясининг 6 кишидан иборат Тошкент вилоят филиали ташкил қилинди. Филиал кенгашига жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси Лазиз Мусашайхов раис этиб сайланди.

**Карим САИДОВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг раиси.**
**Суратларда: учрашувдан лавҳалар.**

**Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.**

Партия ҳаёти

# ТАЛАБАЛАР БИЗНИ ҚУВВАТЛАШМОҚДА

**— дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Шуҳрат ЮСУПОВ**



— Жамиятимизда мустақиллик руҳида тарбияланаётган ёшлар вояга етмоқда, — дейди Тошкент шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Шуҳрат Юсупов. — Улар эртанги кунимизнинг энг илғор бўлагига айланиши муқаррар. Зеро, бу ёшлар сиёсатда, ижтимоий турмушда, илм-фан соҳаларида мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш учун ўқиб-изланмоқдалар. Ўз навбатида келажагимиз ворисларининг саъй-ҳаракатлари билан давр руҳи ўзгариб, тараққиётга ундовчи, ҳақиқатга етакловчи қарашлар вужудга келмоқда.

Дарҳақиқат, саркотибнинг бу гапларида жон бор. Зеро, биз буни яқинда шаҳар партия Кенгашининг ташаббуси билан Тошкент эстрада ва цирк коллежида Бош Қомусимизнинг 11 йиллик шодиёнасига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида ҳам ҳис этдик, унинг қатнашчилари бўлган талабаларнинг дил сўзларидан тушуниб етдик. Улар ўз қарашларини — жамиятимиздаги ҳуқуқий маданиятнинг юксак қирраларини ўз билим ва қобилиятлари асносида тараннум этишди.

Байрам тадбирида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров иштирок этди ва талабаларни Конституциямизнинг 11 йиллиги билан қизғин табриклади.

— Ҳар қандай даврда ва қийин шароитда ҳам Давлат ва жамиятнинг ишончли суянчи — ёшлар бўлиб келган, — деди у. — Биз ҳам ўз навбатида партиямиз сафларида шижоатли, халқ ва Давлат манфаатини ўз манфаатларидан устун қўядиган ёшлар кўпайишини истаймиз.

Тадбир талабалар томонидан тайёрланган байрам дастури билан шукуҳли кечди. Айниқса, биринчи курс талабаларидан ташкил топган "Зеро" гуруҳи ҳамда тўртинчи курс талабаси, умидли, ёш хушовоз хонанда Бобомурод Меликовнинг чиқишлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

**Нилуфар НОРМАТОВА.**
**Суратда: тадбир иштирокчилари.**




# «Ўзпахтасаноат» уюшмаси жамоаси

*барча юртдошларимизни мустақил диёримиз меҳнаткашларини, хусусан, замин соҳибларини кириб келаётган Янги йил айёми билан самимий муборакбод этади. Миллий бойлигимиз бўлган пахта мўл-кўл даромад ва тўкин-сочинлик манбаидир. Шу боис меҳнаткаш халқимиз уни меҳр билан парваришлаб, садоқат ила етиштиради ва қадрлайди. Биз пахтакорларимизнинг йил бўйи қилган меҳнати маҳсули бўлган хом ашёни сифатли қайта ишлаб, жаҳон бозорини янада кўпроқ забт этишга интилаяпмиз. 2004 йилда юртимиз миришкорлари хирмони янада баракали, дастурхони тўкин бўлиб, ушалмаган орзулари рўёбга чиқишига тилакдошмиз.*

*"МЕҲР - МУРУВВАТ ЙИЛИ" бўлган Янги йил барчамиз учун омадли келсин!*

# ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Ибн Абу Ҳотам (р.а.)нинг гувоҳлик беришларича, ҳазрат Абу Толут дуо олишлик хусусида шундай деган эканлар: "... Биз Анас Ибн Моликникига боргандик. Собит у кишидан дуо қилишларини сўради. Ибн Молик "Роббана атина фид-дунйа ҳасанатан ва фил-охирати ҳасанатан ва қина азобан-нор..." ни ўқидилар. Тураётганимизда яна дуо қилишларини сўрадик. Шунда ҳазрат Ибн Молик: "Сизларга яхшилик ва эзгуликни майдалаб тилашимни истайсизларми? Ахир. Оллоҳ таоло сизларга бу дунё ва охират яхшилигини бериб, дўзах азобидан сақласа, яхшиликнинг ҳаммасини кўп қилиб берган бўлади-ку?!", дедилар.

Азизлар, ҳар бир инсон ўз оғзидан чиқаётган дуонинг мазмун-моҳиятини тўлиқ билмоғи лозим. Баъзан "домла" кишилар, ёши мўътабар, яъни улуғлар "Қуръон" тилавотидан сўнг қуйидагича дуо қилишадилар: "Оллоҳ умағфирли ва валидаййа...". Бу: "Эй, бор Худоё, мени ва ота-онамни мағфират қилгин" деганидир. Қизиқда, дуогўй араб тилини билмаганлиги сабабли, даврада ўтирганларга ҳурматсизлик қилиб, фақат ўзи ва ота-онасини дуо қилади. Уй эгаси шунча одамни, шунча харажатни қилиб, тадбир ўтказсаю, дуони... Агар шу ўринда: "... Мағфирлан ва валидийна" дейилганида эди, у ҳолда: "бизни ва ота-оналаримизни мағфират қилгин" деган мазмун чиққан бўларди.

У дунё — бу дунё саодатига муяссар этувчи муқаддас "Қуръони Карим"да: "Дуо қилгувчи дуо қилганда, уни ижобат қиламан", дейди Оллоҳ таоло.

Оллоҳ — ҳақ, унинг ваъдаси ҳам рост. Шундай экан, унда нима сабабдан дуоларимиз кўп ҳолларда ижобат бўлмайди?

Шоҳона салтанатни бутун бойлиги ва аркони — давлатни дарвеш жандасига алмаштирган Иброҳим Атҳамга бу саволни берганларида, у зоти баракот шундай деган эканлар: "Сизлар Худо ҳаққини адо этмаяпсизлар, унинг каломини ўқимаяпсизлар — унинг кўрсатмаларига амал қилмаяпсизлар, тилингизда шайтони лаъинни душман дейсиз, бироқ, уни амалда ўзларингиз дўст тутасизлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ни яхши кўрамиз дейсизлар, аммо у кишининг суннатларини бажармайсизлар, абадий бахт уйи жаннатни яхши кўрасизлару, бироқ унга томон юрмайсизлар, дўзахдан қўрқасизлару, гуноҳ ва ҳаром ишларни қилишдан қўрқмайсизлар, ўлим ҳақ эканлигини биласизлару, у билан дуч келиб, хайрлашишга тайёргарлик кўрмайсизлар. Бировларнинг айбларини кўрасизлару, ўзларингизники кўрмайсизлар, бировлардан оқибат кутасизлару, бировларга мурувват ва ҳиммат кўрсатмайсизлар...". Бу ҳолатларни изоҳлашга ҳеч ҳам хожат йўқ. Демак, ўлик қалбдан чиққан дуонинг ҳам ижобати бўлмайди.

Дуо олишлик ҳам, дуо қилишлик ҳам яхши одат. Ўзимиз сезмаган ҳолда ҳамин қадар дуо қиламиз ва дуо оламиз. Дуонинг хосияти, фазилати ва баракоти ҳақида хўп ва кўп гапирамиз. Мана, шу ўринда биргина "Ассалому алайкум — сизга тинчлик ва омонлик бўлсин!", ёки "Бисмиллоҳир раҳмони раҳим — меҳрибон ва раҳимли Оллоҳ номи билан" сўзларни олиб қарайлик. Бу сўзларнинг ўзи ҳам аслида бир дуодир. Ҳар бир алқаб, миннатдор бўлиб айтган сўзларимиз ҳам аслида дуодир. Масалан, "бараколло, омон бўл!", "Худо ёрла қасин!", "Раҳмат!", дейилган сўзлар ҳам дуога киради. Биз биргина "бараколлоҳ" сўзининг маъносини биламизми? Бу: "Сенга Оллоҳ таолонинг баракоти бўлсин!", дегани.

Инсон қонун ҳимоясида

# КЕЧИРИШНИНГ ҲАМ МЕЪЁРИ БОР

**Гоҳо-гоҳо чет эл оммавий ахборот воситаларида юртимиздаги ижобий ўзгаришлар, юксак маънавиятли инсонни шакллантириш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ютуқларни кўролмайдиган кимсалар "Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузиляпти", "демократия топталяпти", деб аюҳаннос солаётган сохта сиёсатчиларнинг чиқишларини кўриб, эшитиб қоламиз. Лекин улар мамлакатимиздаги улкан ютуқларни ўзлари кўрмай айрим ғаламисларнинг маълумотларига ишониб шундай қилмоқдалар.**

Аслида эса, мустақил диёримизда вазият бошқача. Ўзбекистон халқи ўз Юртбошиси бошчилигида юксак даражада ривожланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан дадил бормоқда. Уларга бу борада Президентимиз раҳбарлигида қабул қилинган мукаммал қонунлар, уларга киритилаётган ҳаётий ўзгартиришлар катта ёрдам бермоқда.

Агар шундай инсонпарвар қонунлар қабул қилинмаганида эди, кўпчилик тартиббузарлар жиноий жавобгарликка тортилиб кетиши, бунинг орқасида анчагина одам зарар кўриши мумкин эди. Сўзимизнинг исботи сифатида қуйидаги воқеани айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Абдувоит Сулаймонов 1959 йилда Жиззах туманида туғилган. Яхшигина меҳнаткаш хотини, бир-биридан ширин тўрт фарзанди бор. Оллоҳ берганига шукр қилиб, бемалол яшаб юрса бўларди. Аммо Абдувоит анча қизиққон. Баъзан иши юришмаган пайтларда қилдан қийиқ ахтариб хотинини ҳам, болаларини ҳам зириллатиб қолади. Гоҳо-гоҳо қўл кўтаришдан ҳам тоймайди.

Ўша куни ҳам шундай бўлди. Жаҳли чиқиб кимдан аламини олишини билмай турганда кўзи ахлат челагига тушиб қолади. Шунда ғазаби алангa олиб: "нега ахлатни вақтида олиб чиқиб ташламадинг", дея хотини Гулноранинг юзига шапалоқ тортиб юборади. Бироқ бу билан жаҳлдан тушмай ғазаб отига минади. Турмуш ўртоғининг боши, елкасига мушт туширади. Бу ҳам етмагандек тош билан бели, орқасига уради. Бундан хабар топган милиция ходимлари Гулнорани тиббий кўрикдан ўтказадилар. Маълум бўлишича, аёл "соғлигининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати олган" экан.

Бундай ҳолларда одатда жиноятчи айбига яраша жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳатто қамалиши мумкин эди. Агар шундай қилинадиган бўлса, аввало оила маълум муддатга боқувчисидан айрилади. Фарзандлар эса ота меҳри, тарбиясидан бебаҳра бўлиб қолардилар.

Бундан ташқари бир неча муддат ўтиб, Абдувоит Сулаймоновнинг хотини Гулнора Сулаймонова судга хат билан мурожаат этиб унда эри билан ярашганлигини, у кечирим сўраганлигини, эрига нисбатан даъвоси йўқлигини, қўзғатилган жиноят ишини тугатишни сўраган.

Ушбу жиноят ишини кўрган жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди судьяси ана шу ҳолатга эътиборни қаратади. Юқоридаги асосларга кўра, тўпланган далилларни инобатга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасига мувофиқ Абдувоит Сулаймоновга нисбатан очилган жиноят ишини тугатишликни лозим деб топди.

Шундай. Бу қонунларимизнинг халқчиллиги, инсонпарварлигидан нишона эмасми? Буни айрим сохта демократлар яхшилаб ўқиб ва уқиб олсалар фойдадан ҳоли бўлмасди. Шунингдек, "Қонун нима қилсам ҳам кечиравераp экан", деб уйловчилар ҳам бундан ўзлари учун сабоқ олишлари лозим. Кечиришнинг ҳам меъёри бўлади. Акс ҳолда оғирроқ жазога мубтало бўлиб қолиши мумкин.

**Неъматулла БОБОЖОНОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди раиси.**
**Каримжон РИХСИЕВ,**
**"Адолат" мухбири.**

Мўъжизалар мамлакати

# ҚАДИМИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ МИСР

**Мисрни дунё цивилизациясининг бешиги, Қоҳирани эса шарқ дарвозаси дейишади. Ҳақ гап. Сабаби, Миср эҳромлари, афсонавий обидалар, Фиравнлар ҳаёти тилсимотлари ҳозир ҳам бутун жаҳон аҳлини лол қолдириб келмоқда. Чунки ўша даврда ер юзининг ҳеч қаерида Мисрдагичалик илм-фан ва маданият тараққий этмаган.**





Ҳозир ҳам бу мамлакат жаҳон афкор оммасини бениҳоя ҳайратлантиради. Дунёга машҳур ноёб архитектура ёдгорликлари, замонавий меҳмонхоналар, Ўрта ер денгизининг ҳузурбахш суви, Қизил денгизнинг ажойиб табиати ҳамда сон-саноқсиз кўнгилочар жойлар бу ерларга ташриф буюрган сайёҳлар қалбида бир умрга муҳрланиб қолиши шубҳасиздир.

Миср Африка ва Осиё қитъаларини бирлаштириб турувчи афсонавий мамлакатдир. Унинг катта қисми Африкада жойлашган. Мамлакатни дунёдаги энг узун дарё ҳисобланган Нил кесиб ўтади. Ер юзининг Осиё қисмида Мисрнинг Синай ярим ороли жойлашган. Бу ярим оролни Африкадан Сувайш канали ажратиб туради. Мамлакатнинг учдан икки қисми чўлдан иборат.

Нил дарёсининг икки соҳили яшил, тропик ўрмонлару экинзорларни ташкил этади. Жазирама қуёш нуридан баҳра олган, Нилнинг ҳаётбахш сувига қонган, унумдор ерида пишиб етилган мева-сабзавотлар минг дардга даво.

Миср давлатининг пойтахти Қоҳира шаҳридир. Мамлакат тарихи асли шу шаҳардан бошланади. Шаҳарда энг нозик дидли сайёҳлар талабига жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар, ресторанлар, хиёбонлар, маҳобатли бинолар ақлингизни лол қилиши табиий. Шарқ бозорининг гўзаллиги, тароватi ва рангбаранглиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бозорларга уланиб кетган супермаркетларни айтмайсизми!.

Кўҳна тарихнинг афсонавий нафасини ҳис этаман деган киши Миср музейларига киргани маъқул. Бу ерда меҳмонлар тарихи 50 асрлик кўҳна обидаларни ўз кўзлари билан кўришлари мумкин.



Улар ичида афсонавий шахс Тутанхамонга тегишли буюмлар, зеб-зийнатлар ўрин олган.

Қоҳира чеккасида жаҳонга машҳур пирамидалар қад ростлаган. Пирамида — улар архитектурасининг мукаммаллигидан ҳайратланган олимларнинг ҳали-ҳанузгача уларни ўша давр одамлари қурганлигига шубҳа билан қараётганлиги бежиз эмас. Хуллас, Миср — жаҳондаги энг қадимий, айни пайтда энг замонавий, гўзал мамлакатдир.

**Дилором НИШОНОВА,**
**"Адолат" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: Миср эҳромлари ва Қоҳира шаҳрининг бугунги кўриниши.**

● Олмос қирралар

# ПИФАГОР: «Ҳаёт сеники... фақат қонунларни бузма»

## ёхуд Пифагорнинг олтин шеърлари

(Охири, боши ўтган сонларда).

Пифагор ишонч ҳақида гапиради. Ишонч фикрингдагина мавжуд бўлиб, у сенинг қалбинг ва қонингга сингиб кетмаган экан, сен тақводор эмассан, демоқчи бўлади. Уруғни ер бағрига олиб қўриқламас экан, уруғ ўсмайди, ҳосил бермайди. Инсон қалбида асраб-авайламас экан, ишонч муҳаббатга айланмайди. Пифогор "дин ва бурчни қўриқла абад", деганда мана шуни назарда тутади.

Айтишларича, фалсафий таълимотга бағишланган тўртта буюк китоб бор. Булар Пифогор Арстотелнинг "Органиум", Френсис Бэконнинг "Новум органиум" ва Д.Успенскийнинг "Трециум Органиум" китобларидир. Аристотел пифогорчиликни рад этиб, космологияда геоцентрик таълимотни илгари сурган, фаннинг олий асослари ҳислар билан эмас, ақл билан асосланишини назарда тутган. Пифогорнинг "Тетрада"сидаги тўртинчи йўлни рад этган. Бэкон эса Пифогорни фанатик дейди. Буюк ақл эгаси қандай қилиб файласуфни фанатик ё догматик дейиши мумкин? Агар у фанатик бўлса, демак файласуф эмасдир. Бэконнинг дунёқараши Пифогорники каби ўзида бошқа миллат ва элатларнинг эътиқодини қабул қила олмади. Шунинг учун у Пифогорни тушунмади. Пифогор эса барчасини ўзида жамлай олган ягона файласуфдир.

**Ўлмас тангриларга сажда эт, сиғин.**

Пифогор "тангрилар" дейди, "тангри" демайди. Фанатик ақл эгаси "тангрилар" деёлмайди. Пифогор бирликда сўзлаб, кўпликдан қочганида эди, бошқалар уни тушунармиди? Бошқаларнинг тангриси камситилмасмиди? Пифогор кишилар онгида тангри ҳақидаги тасаввур ҳеч қачон бир-бириникига ўхшамаслигини яхши билган. Ким қайси тангри тимсолига сиғинса сиғинсин, йўл кўп. Бироқ ҳақиқат ягонадир, деб тушунган у.

Д.Успенскийнинг "Трециум органиум" китоби олий математикага бағишланган. Аристотел билан унинг орасида икки минг йил бор. Бироқ Успенский "Менинг китобим учинчи, аммо биринчиси ёзилмасдан бурун мавжуд эди. Бу олий математика: олий математика эса илк тасдиқловчидан бошланади", дейди. Пифогор айтади:

**Эҳтиёт бўл, кўзингга қара,**
**Шафқатсиздир**
**эҳтиёж ва кучлар қонуни...**

Пифогор: икки қонун бор — бири эҳтиёж, бири куч дея уқтиради. Қуйи математика эҳтиёждан келиб чиққан қоида, олий математика эса бунинг тескариси— кучдир. Қуйи математикада қисм ҳеч қачон бутунга тенг бўлмайди. Олий математикада эса қисм бутунга тенг бўла олади. Масалан, томчи уммон бўлолмайди. Уммон сон-саноқсиз томчилар йиғиндиси, томчи эса заррадир. Фарқ сонлардадир. Олий математика эса сифат билан ҳисоблашади, сон билан эмас. Бир томчи сувда уммон жойлашганини кўроламиз, агар шу томчининг формуласи бизга аён бўлса. Формула $H_2O$ — барча уммонлар формуласи. Томчи сон жиҳатидан уммондан фарқ қилса-да, сифат жиҳатидан унга тенг! Уммонда қанча ҳақиқат бўлса, томчида ҳам шунча. Пифогор ўзининг эҳтиёж ва куч қонунида мана шуларни кўра билган ва унинг поэтик ифодасини топган. Унинг поэзиясида Д.Успенский олий математикани кўради. Математика — бу поэзиядир!

Демак, шоир туйғулари билан асрдан асрга сакраб ўта олади. Олим эса улкан ақли билан ундан орқада, баъзан минг йиллаб орқада юради. Пифогор поэтикаси буни бизга исботлаб берди.

Файласуфнинг йўли, тўртинчи йўл — шоирнинг йўли ҳам айнан мана шу йўлдир. Гомердан Нострадамусгача, Навоийдан Пушкингача, Пушкиндан Абдулла Ориповгача... хулоса барча буюклар — сўфийлар шу тўртинчи йўлда...

Ҳақиқат ихтиро қилинмайди, кашф этилади, яъни очилади! Жаҳон адабиётининг буюк мутафаккирларидан бобомиз Мир Алишер Навоий ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Навоий ўз ижодида хаёлотнинг чексиз осмонларида парвоз этар экан, бизни ҳақиқатга рўбарў қилади, уни кўз олдимизда очади.

Навоий таърифлаган ўзи юрар тахт — автомобиль, уммон тагига тушувчи асбоб — сув ости кемалари, Фарҳоднинг мўъжизакор тешаси — экскаватор, тош одам — робот, узоқни кўрсатувчи ойна — телевизор беш юз йилдан сўнг ихтиро қилинди. Улуғ шоир инсониятнинг орзусини ифода этди, орзу эса амалга ошди. Инсоният нимаики орзу қилса, тангри шунга муяссар этмоқда. Оллоҳ бизни чексиз севади!

**Тушларнинг хобдаги кўзи очилар**
**Ва сўрар: бердингми моҳиятга зеб.**
**Ёмонликдан қоч-у яхшиликка бор,**
**Яша тангрилардай, тангриларни деб.**
**Изидан бор, бўлма лаънати—**
**Муқаддас Тетрадани қалбга солганлардан**
**бирининг номига қасам — Илоҳ санъати —**
**шу қадар тозаю, шу қадар чексиз,**
**Тангриларниг рамзий тимсоли эрур.**
**Бошлаган ишингни тугатгил, токи**
**Тангриларнинг ўзи бажармай туриб.**
**Сенга ишонгани, ёрдам бергани учун**
**Тангриларга қўшил бағрингни бериб.**
**Улар сенга раҳнамо бўлса,**
**йўлдан оздирмас сени ҳеч ёлғон.**
**Турфа борлиқ моҳиятига**
**биринчи сабабга етишгунг шу он.**
**Кўкка маълум, сенга маълум бўлар,**
**табиат ҳар ерда бир хилдир, бирдир.**
**Юрак кўзгу, орзу эмас, нурларга тўлиб**
**кўрар одамлар тубан, кўр бўлиб —**
**ўпар бахтсизликнинг меваларини...**

***

**... барча бахтсизликлар**
**туғилмасданоқ**
**узоқлардан излайди нажот.**

**Кимлар учун бахт — бу ўйинчоқ**
**гоҳ баланд, гоҳ пастга ирғитиб ўйнар.**
**Барчаси бир денгизда шу чоқ,**
**кўзлари кўр, тўлқинлар қийнар.**
**На қарши борарлар, на таслим бўларлар,**
**О, тангри! Сен ўзинг кўзин очгувчи..**
**О, йўқ, улар бандалардир, тақдири шундай,**
**Ҳақиқатдан жаҳолатга қочгувчи...**
**уларга табиат хизмат қилади.**

**О, доно, бахтли эр!**
**Ҳаёт сеники...**
**майли, дам ол, ол ором**
**фақат қонунларни бузма,**
**аниқ фарқлай ол мудом...**
**Ақлни танингга шоҳ сайлагин-у,**
**Тангрилардай оқил бўлиб қол.**

***

**Тингла, сўзларимни**
**юракка нақш эт —**
**шубҳалардан кўз ва қулоғингни ёп.**
**Бошқалардан ўрнак ол, ўйла,**
**кенгашиб, чамалаб,**
**ўз эркингни топ.**
**Мақсадсиз, сабабсиз иш кўрмоқ**
**телбаларга хосдир, қолмагин ғамда,**
**ўқи, ўрган тажрибалардан,**
**келажакни уйғот,**
**сен айни дамда.**
**Биламан деб билмаганингни**
**кўрсатмагил, айлагил тоқат.**
**Вақт ва сабр ҳар нега калит,**
**мўлжалда бер**
**ақлга дам, танингга овқат,**
**Соғлигингни йўқотиб қўйма...**
**Кўпга ҳам, озга ҳам**
**берма эътибор —**
**бу икки қирғоқни тенг боғлагувчи—**
**кўзингга кўринмас ҳаёт-оқим бор.**
**Бойлик ва қашшоқликнинг, бил,**
**меваси бир хилдир,**
**оқибат бир сас.**
**Сендан талаб — яхшиликлар қил,**
**олтин ўрталикни танлай олсанг, бас.**

**Шукур СОДИҚ.**

Солиқ хизмати фош этади

# БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

**Маълумки, иқтисодимиз ривожланган сари юртимизда кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари қурилмоқда. Уларда халқимизнинг ўсиб бораётган талабига жавоб берадиган даражадаги сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайиб бораётир. Шунингдек, чет элдан қонуний тарзда яхши буюмлар келтириляпти. Аммо айримлар ҳозирги талаб билан таклиф ўртасидаги тафовутдан фойдаланиб, арзон бироқ сифатсиз молларни келтириб сотишаяпти. Бундан фақат сохта тижоратчиларгина фойда кўраётган бўлсалар, истеъмолчилар эса зарар кўришяпти.**

Бунга барҳам бериш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 июлда "Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги 330-сонли қарори эълон қилинди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Янгийўл шаҳар ҳудудида "Янгийўл шаҳар буюм бозори" ва "Ихтисослашган Янгийўл шаҳар деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамиятлар ташкил қилинди. Ҳозирги кунга қадар "Ихтисослашган Янгийўл шаҳар буюм бозори"да 150 та ноозиқ-овқат моллари билан савдо қилиш учун тадбиркорларга жой ажратилди. Бозор ҳудудида шу мақсад учун 100 та турғун савдо дўкони қуриш учун ер ажратилган бўлиб, ҳозирги кунда 56 та савдо дўконлари қурилиб, қарорга мувофиқ барча савдо дўконларига назорат-касса машиналари ўрнатилди. Бундан ташқари шаҳар ҳокимлиги томонидан фуқароларга дўкон қуриш учун 100 та жой ажратилган. Ҳозирги кунда ушбу ажратилган жой эгалари томонидан 60 та дўкон қуриб битказилди. Ҳар бир хусусий дўконда назорат-касса машиналари ўрнатилган.

Юқоридаги қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Янгийўл шаҳар ДСИ томонидан мунтазам равишда рейд тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Ўтказилган тадбирлар натижасида хусусий тадбиркорлар томонидан мазкур қарорнинг айрим бандлари бузилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, "Ихтисослашган Янгийўл шаҳар деҳқон бозори"да ўтказилган рейд текшируви натижасида якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган қассоб Ф.Арипов аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китоб қилишда назорат-касса машинасидан фойдаланмаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича Ф.Ариповга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида, яъни 544000 сўм ва текширув кунида назорат-касса машинасига кирим қилинмаган 7000 сўм савдо тушуми миқдорида жами 551000 сўм молиявий жарима солинди.

Янгийўл шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарори талабларининг бажарилиши ҳам доимий назорат остига олинган. Жумладан, ўтган давр мобайнида жами 103 та текширув ўтказилган бўлиб, шуларнинг 92 тасида юқоридаги қарор талабларининг бузилиш ҳоллари аниқланди. 22 та ҳолатда эса юридик шахслар томонидан аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китоб қилишда назорат-касса машиналаридан фойдаланмаслик кузатилди. Назорат-касса машиналарига кирим қилинмаган нақд пул миқдори 5375 сўмни. 20 та ҳолатда юридик шахслар томонидан нақд пул тушумини банкка топширмаслик ҳолати юз берган. Натижада жами банкка топширилмаган нақд пул тушуми миқдори 1505,42 миллион сўмни ташкил этган. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан назорат-касса машинаси ёки квитанция билан ишлаш тартибини бузганлик учун 22 та юридик шахсга нисбатан 11,5 миллион сўм, 54 нафар жисмоний шахсга нисбатан 6,3 миллион сўм миқдорида молиявий жарималар қўлланилди. Нақд пул тушумини яшириш ҳолатлари юридик шахслар томонидан 43 та ҳолатда аниқланиб, уларга нисбатан жами қўлланилган молиявий жарима суммаси 1504,37 миллион сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-қарори талабларининг бажарилиши юзасидан ўтказаётган тадбирларимиз ҳам яхши самаралар бераётир. Хусусан, айрим кишилар томонидан Янгийўл шаҳар бозорларига ҳам сифатлилигини тасдиқловчи ҳужжати йўқ маҳсулотлар олиб келиняпти. Ўтказилган тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 184 ҳолатда 8963,5 минг сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди ва суд қарорига асосан давлат фойдасига мусодара қилинди. Масалан, инспекциямиз ходимлари томонидан шу йилнинг 15 сентябрь куни ўтказилган тадбирда Янгийўл тумани Ниёзбош ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Ж.Нишонбоев бирор бир ҳужжатсиз хорижда ишлаб чиқарилган 127,4 минг сўмлик видео кассеталарни савдога олиб чиққанда қўлга олинди ва тўпланган ҳужжатлар асосида қонуний чора кўриш учун Янгийўл шаҳар судига юборилди. Ёки 19 ноябрь куни Янгийўл шаҳар "Ихтисослаштирилган буюм бозори" ёнида инспекция ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Янгийўл тумани Бобур номли фермер хўжалигининг Усмон Юсупов кўчасида яшовчи фуқаро Акмал Бобоев ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган, Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган 1000 қути акциз маркасиз тамаки маҳсулотларини сотаётганда унинг фаолиятига чек қўйилди. Ашёвий далил сифатида олиб қўйилган тамаки маҳсулотлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Кўриниб турибдики, Янгийўл шаҳар солиқчилари савдодаги қонунбузарликка қарши қатъий кураш олиб бормоқдалар. Шундай бўлсада, айрим пул деб виждонини сотганлар уларнинг кўзларини шамғалат қилиб, қонунга чап беришга уринмоқдалар. Уларга айтадиган гапимиз шу: бузоқнинг югургани сомонхонагача, дейдилар. Шундай экан, улар ҳар қанча уринишмасин узоққа боролмайдилар. Хушёр солиқчилар уларни албатта фош этадилар. Демак, сохта тадбиркорлар бу ҳақда вақтида ўйлаб кўрганлари маъқул.

**Ойбек ҚОДИРОВ,**
**Янгийўл шаҳар**
**Давлат солиқ**
**инспекцияси бошлиғи.**

01 огоҳлантиради

# "ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ" ДАВОМ ЭТМОҚДА

Кексаларимиз доимо «ўт балосидан асрасин», деб дуо қилишади. Зеро, ўт — тилсиз ёв. У келтирган офатлар бир талай, оғриқли тарих. Ундан тегишли хулоса чиқариш ҳар бир кишининг бурчи. Кези келганда таъкидлаш керакки, ўт балосидан сақланишнинг давлат миқёсида ташкил этилишининг боиси ҳам ана шунда. Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан 20 ноябрдан 20 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" деб эълон қилиниши эса, Республикамизнинг барча масканларини бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш ва ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш, инсонларнинг бевақт ҳалок бўлишига йўл қўймаслик масалаларига қаратилган. Шу муносабат билан Юнусобод туманининг барча жойларида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш, аҳоли, ишчи-хизматчилар ва ўқув юртлари ўқувчилари орасида тушунтириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" даврида керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларнинг бажарилишини таъминлашда ҳар бир одам ўз ҳиссани қўшиши керак. Зеро, шу тарика ўт балосидан сақлаб қолинадиган ҳар қандай бойликларимиз ўз меҳнатимиз, пешона теримиз эвазига яратилганлигини унутмаслигимиз лозим.

**Фарҳод СОДИҚОВ.**
**Юнусобод тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори, ички хизмат катта лейтенанти**

# КУЛГИ БЕКАТИ

**— Ўғлинг имтиҳонларини яхши топширдими?**

**— Йўқ, унчалик эмас. Лекин унда гуноҳ йўқ. Болагинамдан туғилмасидан аввалги воқеаларни сўрашипти.**

***

Бир жувон оқ халат кийган хотиндан сўради:

— Вильямни кўрсам бўладими?

— Сиз унинг кими бўласиз?

— Синглисиман.

— О, марҳамат! Мен унинг онаси бўламан.

***

**Фалокат натижасида поезд туннелда тўхтаб қолди. Ухлаб ётган йўловчилардан бири уйғониб сўради:**

**— Қаерга келиб қолдик-а?**

**— Дўзахга! — дея киноя қилди кимдир.**

**— Яхшиямки, билетни қайтишга ҳам олган эканман.**

***

—Айбланувчи, сиз ҳақиқатан ҳам жабрланувчига помидор отганингизни тан оласизми?

— Ҳа, жаноб судья.

— У ҳолда унинг бошидаги ғурралар қаёқдан пайдо бўлди?

— Помидорлар банкада эдида, жаноб судья.

***

**Бокс мактабида биринчи дарсдан кейин тренер ўқувчидан сўради:**

**— Саволингиз борми?**

**— Ҳа. Сиртдан ўқиш мумкин эмасми?**

***

Биринчи марта рояль олдига келган шахмат ишқибози клавишларга қараб сўради:

— Бунинг қайси бири ютади? Оқларми, қоралармиi?

***

**— Дўстим, сен қандай учасан? Чаңғини тескари тақибсанку?**

**— Қайси томонга учишимни қаёқдан биласан?**

***

Бир одам овқатланиб бўлгач, официантдан сўради:

— Овқат тайёрланадиган жой жуда ҳам тоза бўлса керак-а?

— Ҳа, албатта. Нега бундай деяпсиз?

— Ҳамма нарсадан совун мазаси келяпти.

**ТУЗАТИШ:**

Газетамизнинг шу йил 5 декабрь сонида чоп этилган "Ватанни эътиқодсиз севиб бўлмас" сарлавҳали мақоланинг охирги хатбошиси, 9-сатридаги Жиззах вилояти жумласи Жиззах тумани деб ўқилсин.

Газетамизнинг навбатдаги сони 31 декабрда чиқади

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Каримжон РИХСИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРГАШЕВ, Абдусамад МАМАЖОНОВ, Ўткир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад РАҲМОН, Низомиддин НУРМАТОВ, Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 136-53-14
Факс: (8.371) 133-41-89
Хатлар бўлими — 136-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 100, Адади 1821 Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Аслиддин БЎРИЕВ | Навбатчи— Шерали ОТАБОЕВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти— [illegible]

● Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. ● Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. ● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. ● Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. ● Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.